

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ

МАТЧАНОВ НУРАДДИН АЗАДОВИЧ

**ФОТОЭНЕРГЕТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕКТР
ТАРМОҒИГА ИНТЕГРАЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.05.01 - Энергия тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Матчанов Нураддин Азадович

Фотоэнергетик тизимлар ва уларнинг электр тармоғига интеграциясини комплекс тадқиқ қилиш..... 3

Матчанов Нураддин Азадович

Комплексное исследование фотоэнергетических систем и их интеграции к электрической сети..... 29

Matchanov Nuraddin Azadovich

Comprehensive research of photoenergy systems and their integration into the electrical grid55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ

МАТЧАНОВ НУРАДДИН АЗАДОВИЧ

**ФОТОЭНЕРГЕТИК ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕКТР
ТАРМОҒИГА ИНТЕГРАЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

05.05.01 - Энергия тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида №B2019.4.DSc/T324 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси “Қуёш энергияси халқаро институти” да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.iplt.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзабаев Акрам Маҳкамович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мисриханов Мисрихан Шапиевич
техника фанлари доктори, профессор

Гайибов Тулкин Шерназарович
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Рустам Хақимович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Теплоэлектропроект» АЖ

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «09» 12 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй.


Тел./факс: (99871) 246-46-00, Факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноябрь да тарқатилди.
(2020 йил «27» ноябрь даги 13 рақамли реестр баёнига асосан)

**К.Р. Аллаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

О.Х. Ишназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., к.и.х.

**М.Н. Ибодуллаев**
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбалари, айниқса, шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш асосида бутун дунёда яшил энергетикани ривожлантириш, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергия тизимларни электр тармоғига хавфсиз ва ишончли улаш асосида мамлакат ёқилғи-энергетика баланси юкламасини камайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни тармоқ талабларига мослаштириш, тарқатиш тармоғида фотоэнергетик тизимлардан фойдаланиш бўйича мақбул иш режимларини аниқлаш борасида турлича ёндашувлар мавжуд¹. Бу борада, жумладан, қуёш ва шамол станциялари ишлаб чиқариш қувватининг беқарорлиги туфайли энергия тизимларида юзага келадиган муаммоларни тизимли ўрганиш борасида қилишда янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергия тизимларининг чиқиш кўрсаткичларини бошқариш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги энергия тизимларини тармоққа интеграция қилишда, қаралаётган тармоқнинг хусусий жиҳатларини ҳамда муайян ҳудуднинг иқлим кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, уларнинг техник, ресурс, иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини бир бутун сифатида баҳолаш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Бунда, фотоэлектрик тизимларни электр тармоғига хавфсиз ва ишончли улаш мақсадида мазкур тизимларни ва уларнинг иш режимларини комплекс тадқиқ этиш республикада қуёш энергиясидан саноат миқёсида фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги муаммоларни ҳал қилишда янгича ёндашувларни талаб қилувчи долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикада иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган энергетика соҳасида энергия самарадорликни ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ва жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, “иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш” каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини

¹ www.sciencedirect.com, www.scopus.com, www.literature.rockwellautomation.com

таъминлаш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги фотоэнергетик тизимларни электр тармоғига интеграциялаш жараёнини комплекс тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 даги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 21.09.2018 даги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари ҳамда 22.08.2019 йилда “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли ва 04.10.2019 йилдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг “II.Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди ва IV: Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш² йўналишини ривожлантиришга хизмат қилади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Жаҳонда бугунги кунда қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги тизимларни тармоққа интеграциялаш, мазкур турдаги энергия тизимларининг чиқиш кўрсаткичларини бошқариш усулларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан: Миллий қайта тикланувчи энергияси лабораторияси (NREL), Фраунгофер қуёш энергетикаси тизимлари институти (FISES), Берлин фотовольтаика институти (PI-Berlin), Мичиган давлат университети (MSU), Пекин қуёш энергияси илмий текшириш институти (BSERI), Корея энергетика илмий текшириш институти (KIER), Сингапур қуёш энергияси илмий текшириш институти (SERIS), Малайзия миллий университети Қуёш энергияси илмий текшириш институти (SERI), Ҳиндистон ва АҚШ қуёш энергияси илмий текшириш институти (SERI), Москва энергетика институти; «Июффе номидаги физика-техника институти»,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.09.2018 даги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

Тошкент давлат техника университети, Қуёш энергияси халқаро институти (ҚЭХИ) ва бошқа кўпгина марказларда олиб борилмоқда.

Фотоэлектрик тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур тизимларни тармоққа хавфсиз улаш мақсадида уларнинг асосий кўрсаткичларини танлаш бўйича етакчи илмий марказларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб муаммолар ҳал қилинди ва қуйидаги муҳим илмий натижаларга эришилди: фотоэлектрик тизимларни электр тармоғига улаш бўйича назарий-ҳисобий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида углеводород ёқилғиси ҳамда қайта тикланадиган энергия манбалари асосида энергия ишлаб чиқариш тақсимоли таҳлил қилинди; электр тармоқларига хавфсиз уланиш кўрсаткичларининг зарурий мезонлари аниқланди ва уларни баҳолаш учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги энергия тизимларини тармоққа интеграция қилишда, қаралаётган тармоқнинг хусусий жиҳатларини инобатга олган ҳолда, уларнинг техник, ресурс, иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини баҳолаш имконини берувчи динамик моделлар ишлаб чиқилди; заҳира таъминот тизимига эга бўлган, марказлашган ва маҳаллий тармоққа уланган ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия манбаларига асосланган йирик станциялар яратилди; мазкур турдаги тизимлардан фойдаланишнинг самарадор иш режимлари, шунингдек, уларнинг ишчи кўрсаткичларини бошқариш усуллари ишлаб чиқилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуёш энергиясини фотоэлектрик тизимлар ёрдамида электр энергиясига айлантириш муаммолари ҳозирга қадар АҚШ, Испания, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерациясининг миллий лабораторияларида, шамол энергиясини электр энергиясига айлантириш эса – Голландия, Дания, Испания, Хитой Халқ Республикаси ва Германиянинг миллий лабораторияларида ўрганилган. Масалан, NREL да кўп қаррали концентрация усулидан фойдаланган ҳолда кўп ўтишларга эга бўлган гетероструктуралар асосида самарадорлиги 47,1% ли қуёш элементларини яратиш орқали янги рекорд ўрнатилди³. FISES олимлари ўзгартириш самарадорлиги 99,3%га тенг бўлган инвертор яратдилар⁴. Морокколик Абдулмалик Эссади университети олимлари ишлаб чиқарувчанлик коэффициенти 98%га тенг бўлган тармоққа уланган фотоэлектрик тизим яратишга муваффақ бўлдилар⁵.

Қайта тикланадиган ва анъанавий энергияни оқилона мужассамлаштириш услубияти масалалари, қуёш, шамол ва гидравлик электр станциялари кўрсаткичларини энергия истеъмоли ва тармоқ кўрсаткичларига

³ John F. Geisz, Ryan M. France, Kevin L. Schulte, Myles A. Steiner, Andrew G. Norman, Harvey L. Guthrey, Matthew R. Young, Tao Song, Thomas Moriarty // Six-junction III–V solar cells with 47.1% conversion efficiency under 143 Suns concentration // Nature Energy volume 5, pages 326–335 (2020).

⁴ <https://www.renewableenergyfocus.com/view/2938/fraunhofer>

⁵ Kamal Attari, Ali Elyakoubi, Adel Asselman // Performance analysis and investigation of a grid-connected photovoltaic installation in Morocco // Energy reports, Volume 2, November 2016, Pages 261–266.

кўра баҳолаш усуллари, қайта тикланадиган энергетикадан фойдаланишга асосланган корхоналарнинг ўзига хос электр энергия истеъмоли, электр таъминоти тизимларининг таснифи ва таҳлиллари ҳамда интеграциялашган тармоқларнинг энергетик самарадорлиги кўрсаткичларига бағишланган муаммолар С.К. Шерязов⁶, С.М. Воронин⁷, Б.В. Лукутин⁸ ва бошқаларнинг ишларида атрофлича ўрганилган. Қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги энергия тизимларини электр тармоғига улашдаги техник ва потенциал муаммолар, энергетик хавфсизликни таъминлаш кўрсаткичлари ва мезонларини баҳолашнинг назарий қоидаларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган етакчи хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотларини ўрганишнинг услубий асослари В.В. Бушуев, Н.И. Воропай, Д.С. Стребков, E.D. Spooner, В. Kroposki, I. MacGill, M.A. Eltawil, P.A. Зоҳидов, К.Р. Аллаев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Бу ишларда, фотоэнергетик тизимларни электр тармоғига улашда тарқатиш тармоғининг хусусиятлари, актинометрик ҳамда атроф-муҳитнинг иқлимий кўрсаткичларини инобатга ҳолда, қуёш элементларидан тортиб то электр тармоғига уланган фотоэлектрик тизимларгача мукамал тадқиқ этиш жуда кам ўрганилган.

Республикада 2012 йилга қадар бўлган даврда, фотоэлектрик тизимлар кўрсаткичларини ўрганиш уларни умумий тармоққа интеграциялашни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди, мазкур тизимларда кечадиган жараёнларни уларни умумий электр тармоғига улаш мақсадида моделлаштириш масалалари ТА 8008 “Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантириш”⁹ лойиҳаси доирасида ўрганила бошланди. ЎзРда электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимларни яратиш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш соҳасидаги илк амалий ишлар Қуёш энергияси халқаро институтида амалга оширилган лойиҳалар доирасида бошланди. Тармоқ бўйича хорижий ва маҳаллий мутахассислар тажрибаси шуни кўрсатадики, қуёш ва шамол станциялари ишлаб чиқариш қувватининг беқарорлиги туфайли энергия тизимларида юзага келадиган муаммолар тизимнинг умумий ўрнатилган қувватидаги улуши таркибида қуёш ва шамол станциялари ишлаб чиқариш қувватининг улуши 20-25% га етгандан сўнг бошланади. Шу билан бирга, дунёда фотоэлектрик модуллар нархларининг тушиши ҳамда қуёш энергияси соҳасида технологияларнинг такомиллашуви тенденцияси кузатилмоқда, бу эса ўз навбатида, тарқатиш тармоқларига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар сони глобал миқёсда ортишига олиб келди.

⁶ Шерязов С.К. Выбор рационального сочетания традиционных и возобновляемых энергоресурсов в системе энергоснабжения сельскохозяйственных потребителей (на примере Челябинской области): рекомендации для руководителей энергетических служб АПК / С.К. Шерязов. – Челябинск: ЧГАА, 2010. – 40 с.

⁷ Воронин, С.М. Анализ направлений совершенствования солнечных электростанций / А.А. Таран, С.М. Воронин // Вестник Сумского национального аграрного университета. – 2012. – №16. – с. 137-139.

⁸ Лукутин Б.В., Муравлев И.О. Системы электроснабжения с ветровыми и солнечными электростанциями. Томск: Томский политехнический университет, 2015. 112 с.

⁹ <https://www.adb.org/projects/45120-001/main>

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, тақдим этилаётган диссертация ишида ҳал қилинадиган асосий муаммо электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар кўрсаткичларини, фойдаланиш бўйича иш режимларини аниқлаш, қуёш элементлари ва фотоэлектрик модулларнинг самарадорлигини ошириш йўллари кидириш, уларнинг энергетик кўрсаткичларига қуёш нурланишининг ўзгариши ва иқлимий омиллар таъсирини тадқиқ қилиш, шунингдек халқаро ва миллий стандартлар, меъёрлар ва талаблар асосида, республика ҳудудида ўрнатиладиган, электр тармоғига интеграцияланган “резидентал” ва “тижорий” фотоэлектрик тизимлар лойиҳалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда намунавий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қуёш энергияси халқаро институтида амалга оширилаётган ОТ-Атех-2018-517 рақамли “Фотоэлектрик тизимларни марказлашган электр таъминоти тармоғига интеграциялаш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарининг 12.02.2015 даги №06/1-123-сонли топшириғига мувофиқ), “Йирик фотоэлектрик станцияларни электр тармоқларига улаш бўйича илмий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш” номли 06/01-2015-сонли хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электр тармоғига интеграцияланган фотоэнергетик тизимларни ташқи иқлимий омиллар ҳамда Ўзбекистон энергия тизимининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар шакллантирилди:

фотоэлектрик тизимларни электр тармоғига интеграциялашнинг асосий тамойилларини шакллантириш;

электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик модуллар ва улар асосидаги фотоэлектрик тизимлар энергия кўрсаткичларининг қуёш нурланиши интенсивлигининг ўзгариши ва иқлимий омиллар таъсирига боғлиқлигини ўрганиш;

электр тармоғига интеграцияланган, қайта тикланадиган энергия манбалари асосидаги энергия тизимларидан фойдаланишнинг самарали усулларини ўрганиш;

фотоэлектрик элементларда ток ўтказиш механизмларини назарий ва тажриба асосида ўрганиш ҳамда фотоэлектрик элементлар самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

электр тармоғига уланган фотоэлектрик тизимларнинг ресурс, техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларини башорат қилиш асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар (станциялар) танланган.

Тадқиқотнинг предмети электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимларнинг асосий электроэнергетик кўрсаткичлари ва уларни тармоққа турли схемаларда улашда режим кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқот усуллари: диссертация ишида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш жараёнларини математик моделлаштириш ҳамда тармоққа интеграцияланган фотоэлектрик тизимлардаги иш жараёнларини симуляциялаш, тизимли ёндашув усуллари ва энергия тизимларини ҳисоблашнинг замонавий назариясини таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

фотоэлектрик элементлар асосидаги тизимларнинг ресурс кўрсаткичларини яхшилаш имконини берувчи нисбатан юқори чиқиш кўрсаткичларига эга бўлган, самарадор фотоэлектрик элементларни олиш учун фотогенерация жараёнларини бошқариш услубияти такомиллаштирилган;

кичик қувватли фотоэлектрик тизимларни комплекс мониторинг қилиш услубияти ишлаб чиқилган;

паст кучланишли маҳаллий электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимларнинг ўртача кунлик, ўртача ойлик ва ўртача йиллик ўрнатилган қувватдан фойдаланиш коэффициенти иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган;

паст кучланишли маҳаллий электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимларнинг самарадорлик коэффициенти ҳисобий-тажрибавий йўл билан баҳоланган ва шу асосда ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватининг башорат кўрсаткичлари аниқланган;

маҳаллий электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар актив қувватининг беқарорлигини ҳисобга олган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқиш ва истеъмоли жараёнларини моделлаштириш услубияти ишлаб чиқилган;

фотоэлектрик тизимлар актив қуввати ортиб бориши билан тармоқдан истеъмол қилинадиган энергия бир текисда камайиб бориши кўрсатилган;

электр тармоғига интеграцияланган йирик фотоэлектрик тизимларни ўрнатиш бўйича мақбул ҳудудларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган ва ушбу ҳудудларда мазкур турдаги фотоэлектрик тизимларнинг техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари башорат қилиш асосида баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тармоққа интеграцияланувчи фотоэлектрик тизимларнинг электроэнергетик ва техник кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларни ЎЗР энергия тизимида хавфсиз интеграциялаш учун рухсат этиладиган қувватлар

аниқланган, шунингдек, электр тармоқларига интеграцияланган фотоэлектрикларни ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикасининг энг қулай ҳудудлари аниқланган ҳамда мазкур турдаги фотоэлектрик тизимларнинг техник, иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари аниқланган;

атроф-муҳит ҳарорати $t=25^{\circ}\text{C}$ бўлганда ўзгармас кучланишни ўлчашнинг юқори чегараларини сошлашда, кучланишни ўлчаш оралиғини 5% гача (610В гача) кенгайтириш ва 10%гача аниқлик билан ўлчаш имконини берувчи автоматик кузатув таъминотига эга бўлган мониторинг тизими учун рақамли вольтметр яратилган ва ишлаб чиқаришга тайёрланган;

электр тармоққа уланган фотоэлектрик тизимнинг ишлаб чиқариш қувватининг йиллик башорат кўрсаткичлари республиканинг иқлим шароитида 8.3 дан 23.8% гача бўлган оралиқда ўзгариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги муайян вақт оралиғида текширувдан ўтган тадқиқот усуллариининг қўлланилиши, атроф-муҳит кўрсаткичларининг кўп йиллик ўртача статистик маълумотларидан, энергетик тадқиқотлар натижалари ва лицензияланган дастурий таъминотлардан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Ишда тавсия этилган техник ечимлар ва диссертация ишида олинган асосий қоидаларнинг илмий асосланганлиги тадқиқотларнинг юқори даражада ўтказилганлиги ва статистикаси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимлар ресурс кўрсаткичларини тармоқ юқламасида режалаштириш учун ишончли башоратлаш имконини беришида акс этади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, умумий характерли электр таъминоти тармоқларига уланувчи фотоэлектрик тизимлар учун стандартларнинг ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур стандартлар тармоққа уланувчи фотоэлектрик тизимларнинг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр тармоғига интеграцияланган фотоэлектрик тизимларни комплекс ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қуёш фотоэлектрик станциялари, умумий электр таъминоти тармоқларига уланган тизимлар, станциялар (тизимлар)га қўйиладиган минимал талаблар, йўлланма ҳужжатлар, қабул қилиш ва текшириш бўйича Ўзбекистон давлат стандарти (O'zDSt 3076:2016) тасдиқланган ва давлат реестридан рўйхатдан ўтказилган («O'zstandart» агентлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги декабрдаги 03/3000-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодиётнинг турли соҳаларида қуёш энергияси технологияларини кенг миқёсда жорий этиш, шунингдек, мазкур соҳадаги технологиялар импорти ва

экспорти қўламини кенгайтириш ҳамда республика қуёш энергияси саноатини ривожлантириш учун шароит яратилган;

кичик қувватли ФЭСни комплекс мониторинг қилиш услубияти ва шу асосда мониторингни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот ҳамда рақамли вольтметр-қурилмаси Қашқадарё вилоятидаги “Solar Development Systems” МЧЖ объектларида умумий қуввати 20 кВт бўлган фотоэлектрик тизимларга жорий қилинган (“Ўзэлтехсаноат” ассоциациясининг 2020 йил 25 сентябрдаги 04-1/1749-сон маълумотномаси). Натижада, фотоэлектрик тизим ва унинг таркибий қисмлари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни мунтазам йиғиб бориш ҳисобига станциялар ҳолатининг ўзгаришини аниқлаш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларини эрта башоратлаш билан боғлиқ харажатларини йилига 307 944 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган;

кичик қувватли фотоэлектрик тизимларни электр тарқатиш тармоғига улаш бўйича схемавий-технологик ечим Қуёш энергияси халқаро институтининг маҳаллий паст кучланишли электр тармоғига умумий қуввати 28 кВт бўлган фотоэлектрик тизимларни улашда жорий қилинган (Энергетика вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 03-07-5945-сон маълумотномаси). Натижада, умумий қуввати 28 кВт бўлган фотоэлектрик тизимларда йилига ўртача 43800 кВт·соатдан электр энергияси ишлаб чиқарилишига, 15330 м³ табиий газни тежаш натижасида атмосферага 19 тонна СО₂ чиқишининг олди олинишига эришилган;

кичик қувватли фотоэлектрик тизимларни электр тарқатиш тармоғига улаш бўйича схемавий-технологик усули Бердақ номидаги Нукус давлат университети полигонидида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 89-02-354-сон маълумотномаси). Натижада, бир йилда 4136.49 кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 5310200 “Электроэнергетика” йўналиши талабалари учун “Муқобил энергия манбалари” фани бўйича маърузалар ва амалий машғулотларида тажриба объекти сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан 17 таси илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган республика нашрларида 7 та ва хорижий нашрларда 10 та, 1 та фойдали моделга патент ва 4 та дастурий маҳсулотлар учун гувоҳномалар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 232 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Интеграцияланган электроэнергетик тизимлардан фойдаланишни ривожлантириш муаммолари”** деб номланиб, ушбу бобда қайта тикланадиган энергия манбаларидан (ҚТЭМ) дунёда ва ЎзРда фойдаланиш ҳолати ва тенденциялари ўрганилган. ҚТЭМ асосий турларининг техник салоҳияти, шу жумладан, қуёш энергияси ресурслари ер усти метеостанциялари ва сунъий йўлдош орқали кўп йиллик кузатувлар натижасида олинган актинометрик маълумотлар асосида таҳлил қилинган ва солиштирилган, шунингдек, ЎзР тарқатиш тармоқлари тадқиқ қилинган. Фотовольтаика технологиялари: қуёш элементлари (ҚЭ), фотоэлектрик модуллар (ФЭМ) ва инверторлар, шунингдек, ҚЭ ва ФЭМ лар самарадорлигини ошириш ва уларни электр тармоғига улаш бўйича тадқиқотлар ҳолати, фотоэлектрик тизимлар (ФЭС) ни электр тармоғига хавфсиз улаш ва уни самарали ишлатиш бўйича халқаро амалиёт ўрганилган. Электр тармоғига уланган ФЭСнинг ресурс, техник-иқтисодий ва экологик кўрсаткичлари кўриб чиқилган. Мавжуд тажрибавий ва назарий маълумотларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон шароитида электр тармоғига интеграцияланган ФЭСларни комплекс тадқиқ этиш бўйича вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Қуёш элементларининг фотоэлектрик параметрларини баҳоловчи кўрсаткичлар хусусиятини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида, ҚЭ асосий электр ва фотоэлектрик кўрсаткичларини, турли ҚЭ ларни ҳисоблаш моделларини ўрганиш ва улардаги фототокни ошириш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Si, α -Si, GaAs и CIGS асосидаги ҚЭ ларда турли даражада қуёш нури билан ёритиш шароитларида юкламавий вольтампер характеристикалари ва ток ўтказиш механизмларининг хусусиятлари ўрганилган. ФЭС ларни электр тармоғига интеграциялаш учун зарурий

шартларни аниқлаш мақсадида, юқори самарадор ҚЭ яратиш ва унинг негизида ФЭМ ва олдиндан берилган кўрсаткичлар асосида ишловчи тизим яратишга уринишлар қилинган.

ҚЭ да ток ўтиш механизмлари ҳамда Si ва GaAs ли ҚЭ ларида I_{ph} фототокка магнит майдоннинг таъсири ўрганилган. Стационар ҳолатда ток ташувчилар ва экситонлар концентрацияси учун тақсимот функцияси $N(x)$ куйидагича кўринишда бўлади:

$$N_{e,h}(x) = N_{e,h}(0)e^{-\frac{x}{L_{e,h}}}, \quad (1)$$

$$N_{exc}(x) = N_{exc}(0)e^{-\frac{x}{L_{exc}}}, \quad (2)$$

бу ерда $N_{exc}(0)$ – кристалл сирти яқинидаги концентрация, $L_{e,h}$ ва L_{exc} – мос равишда ток ташувчилар ва экситонларнинг диффузион узунлиги.

Қуёш элементининг фототоки I_{ph} асосий бўлмаган заряд ташувчилар ва экситонлар концентрациясига пропорционал бўлиши керак:

$$I_{ph} \sim N_{e,h}(L_{pn}) + N_{exc}(L_{pn}) = N_{e,h}(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{e,h}}} + N_{exc}(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{exc}}},$$

бу ерда, L_{pn} – p-n ўтиш чуқурлиги. Магнит майдон мавжуд бўлган ҳолда фототок куйидагиларга пропорционал бўлади:

$$I_{ph}(H) \sim N_{e,h}^H(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{e,h}}}. \quad (3)$$


p-n ўтиш фототокининг ўзгариши ΔI куйидагича бўлади:

$$\Delta I = [I_{ph} - I_{ph}(H)] \sim N_{e,h}(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{e,h}}} + N_{exc}(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{exc}}} - N_{e,h}^H(0)e^{-\frac{L_{pn}}{L_{e,h}}}, \quad \text{ёки,}$$


$$\Delta I = [I_{ph} - I_{ph}(H)] \sim N_{e,h}(0) \left[e^{-\frac{L_{pn}}{L_{exc}}} - e^{-\frac{L_{pn}}{L_{e,h}}} \right]. \quad (4)$$

(4) ифодадан кўриниб турибдики, ΔI катталиқ асосан ток ташувчилар ва экситонлар диффузион узунликларининг $L_{e,h}$ ва L_{exc} p-n ўтиш чуқурлиги L_{pn} га ва яримўтказгич сирти яқинидаги экситонлар концентрацияси (N_{exc}) га боғлиқ. Фототок I_{ph} қиймати $L_{exc}=L_{e,h}$ бўлганда ўзгармаслиги, $L_{exc} < L_{e,h}$ бўлганда ортиши ва $L_{exc} > L_{e,h}$ бўлганда камайиши лозим. Бундан ташқари, (4) дан кўриниб турибдики, турли p-n ўтиш чуқурлигига эга намуналарда бажарилган ўлчашлар L_{exc} нинг қийматини юқори аниқликда аниқлаш имконини беради. Бунда ФИК 23% бўлган GaAs №2 (1-расм) ва ФИК 15% бўлган Si №2 (2-расм) ҚЭ намуналарини ёритиш чўғланма лампа ва яримўтказгичли лазер нури (1 mW, $\lambda=0.63-0.68 \mu m$) ёрдамида амалга оширилди. (1-расм). ҚЭ негизидаги ташувчиларнинг диффузион узунлиги $\sim 3-4 \mu m$ ва кучли легирланган сиртга яқин соҳада ҚЭ паспорт маълумотларига кўра $L_{pn} \sim 1 \mu m$ га тенг. Ўлчовлар шуни кўрсатдики, хона ҳароратида ΔI қиймати 8-13% ни ташкл этди, $\Delta I = I_{ph} - I_{ph}(H) < 0$. Ўз навбатида, ҚЭ сиртга яқин соҳасида $L_{exc} > L_{e,h} \sim 1 \mu m$, ва

экситонлар ҳиссаси ~ 8-13% га тенг. Суюқ азот ҳароратида экситонлар ҳиссаси 14-17% га қадар ортади (1-расм).



1-расм. GaAs асосидаги ҚЭ да фототокнинг ёруғлик интенсивлигига боғлиқлиги



2-расм. Si асосидаги ҚЭ да фототокнинг ёруғлик интенсивлигига боғлиқлиги

2-расмда Si ли ҚЭ магнит майдонида фототокнинг ўзгариши тасвирланган. ҚЭ негизидаги ташувчиларнинг диффузион узунлиги ~ 60–80 μm ва кучли легирланган сиртга яқин р-соҳада $L_{e,h} \sim 0,6-0,9 \mu m$, $L_{pn} \sim 1 \mu m$ га тенг. Кремнийда фототашувчилар ва экситонлар генерацияси ҳамда кўчиши нафақат кристалл сирти яқинида, балки кристаллнинг бутун ҳажми бўйлаб юзага келади, чунки $\lambda = 0.63 \div 0.68 \mu m$ учун $1/\alpha$ нинг қиймати ~ 3 μm . Шу муносабат билан, етарлича “чуқур” р-п ўтишга эга бўлган Si ли ҚЭ ларда фототок асосан диффузия соҳасида шаклланади ва L_{exc} нинг қийматини шу соҳадаги $L_{e,h}$ қиймати билан таққослаш зарур $L_{exc} > L_{e,h}$, $\Delta I < 0$ (2-расм). Нисбатан “саёз” р-п ўтишларда ташувчилар генерацияси ва тўпланиши асосан ҚЭ негизида амалга ошади, бунда $L_{e,h} \sim 60-80 \mu m$ ва $L_{exc} < L_{e,h}$, $\Delta I > 0$.

Шундай қилиб, магнит майдон таъсирида яримўтказгичли ҚЭларида фототокнинг ўзгариши экситонларнинг диффузион узунлигининг камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги аниқланди. Si ва GaAs ли ҚЭ ларида экситонлар ҳиссаси мос равишда 3÷6% ва 8÷13% эканлиги кўрсатилди. Ушбу натижадан ҚЭ ва улар асосидаги ФЭМлар, шунингдек, электр тармоғига интеграцияланган ФЭСлардаги фототок миқдорини ошириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг **“Фотозлектрик тизимлар энергетик кўрсаткичларининг қуёш нурланиши интенсивлигининг ўзгариши ва иқлимий омиллар таъсирига боғлиқлигини тадқиқ қилиш”** деб номланган учинчи бобида, республиканинг табиий иқлим ҳамда қуёш нурланиши тушишининг ўзгариши ва атроф-муҳит ҳарорати таъсири шароитларида Si, α -Si, GaAs ва CIGS асосидаги ФЭМ чиқиш энергетик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотлари натижалари келтирилган.


Тажрибаларда бир хил самарадорликка -15,5% эга бўлган монокристалл (Моно-ФЭМ) ва поликристалл (Поли-ФЭМ) кремний асосидаги модулар

ишлатилди. ФЭМ нинг уфққа нисбатан оғиш бурчагини ўлчаш бир вақтнинг ўзида 20° , 30° , 40° қийматларда амалга оширилди. 3-расмдан кўришиб турибдики, қувват эгри чизиги қуёш нурланиши интенсивлиги ўзгариши бўйича графигини қарийиб такрорлайди, бу Моно-ФЭМ қисқа туташув токи $I_{к.т.т.}$ нинг I_{ϕ} билан қарийиб мос келиши билан тушунтирилади. $I_{к.т.т.}$ ФЭМ чиқиш қувватига тўғридан-тўғри пропорционал ва ФЭМ чиқиш кўрсаткичлари қуёш нурланиши интенсивлигига жуда боғлиқ. Моно-ФЭМ учун модулнинг нормал ишчи ҳарорати (NMOT) қиймати баҳоланган ва у $47,8^\circ\text{C}$ ни ташкил қилади. Атроф муҳитнинг ҳарорати $T_{a,m}=36^\circ\text{C}$ ва $T_{\phi\text{ЭМ}}=69,6^\circ\text{C}$ бўлганда, моно-ФЭМ ($P_{ССШ}=200$ Вт, стандарт синов шароитида ўлчанган қувват) NMOT қиймати $47,8^\circ\text{C}$ га тенглиги аниқланган. Қуёш нурланиши интенсивлигининг нотурғунлиги ва модулнинг қизиб кетиши ($T_m = 72^\circ\text{C}$ гача) ФЭМ чиқиш кўрсаткичларига кучли таъсир қилади $G_t = 940$ Вт/м², атроф муҳитнинг ўртача ҳарорати $T_{a,m}=36^\circ\text{C}$ ва NMOT= $47,8^\circ\text{C}$ га тенг бўлганда, моно-ФЭМ фойдали иш коэффициенти (ФИК) $\eta = 13,34\%$ ва тўлдириш омили $FF=68,4\%$ бўлганда $141,1$ Вт электр қувватини ишлаб чиқарди. Бунда, моно-ФЭМ қувватининг максимал пасайиши $29,5\%$ ни ташкил қилди.


Тижорат миқёсидаги, етарлича юқори ФИК га эга бўлган моно-ФЭМ учун ФЭМ сирти $75-78^\circ\text{C}$ га қадар қизиганда қувватнинг пасайиши $18-22\%$ дан ошмайди, тўлдириш омили қиймати эса $0,75-0,85$ оралиғида бўлади. Бу ерда FF қийматининг пасайиши контакт олди соҳаларидаги иссиқлик кенгайиши, халақит қилувчи қаршиликларнинг мавжудлиги ва ФЭМ қизиб кетиши натижасида келиб чиқадиган бошқа таъсирлар сабабли кучланишнинг ошиши билан боғлиқдир. 4-расмда қуёш радиациясининг турли қувватларида моно-ФЭМ нинг ВАХ лари ва максимал кучланиш максимал қувват $P_{\text{макс}}$ га боғлиқ равишда ўзгариши тасвирланган. $I_{к.т.т.}$ ва V_{oc} нинг ўзгариши қийматларини аниқлаш мақсадида, $T_{\phi\text{ЭМ}}=72^\circ\text{C}$ ҳароратда ФЭМ шунт қаршилиги $R_{Ш}$ ва кетма-кет қаршилик $R_{к.к.}$ ларининг қийматлари баҳоланди ва мос равишда $27,3$ Ом ва $0,906$ Ом га тенг бўлди. Мавжуд услубият ёрдамида ўтказилган баҳолашлар шунини кўрсатдики, $R_{Ш} \geq 20 \div 30$ Ом қаршиликка эга бўлган ўрганилаётган ФЭМ ёруғликнинг нисбатан паст интенсивлик қийматларида электр энергияси ишлаб чиқаришни бошлайди ва нисбий ФИК $\geq 95\%$ га эга бўлади¹⁰. Моно-ФЭМ ва поли-ФЭМ учун қуёш нурланиши, қувват ва ВАХ нинг вақтга боғлиқлиги учун олинган графиклар шакли деярли бир хил бўлди. Поли-ФЭМ NMOT қиймати $33,3^\circ\text{C}$ ни ташкил этди. Олинган натижаларни таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, бир хил шароитларда поли-ФЭМ ўртача ҳарорати моно-ФЭМ ўртача ҳароратидан 2°C га паст бўлди. Шунингдек, ФЭМ шунт

¹⁰ Grunow, S. Lust, D. Sauter, V. Hoffmann, C. Beneking, B. Litzenburger, L. Podlowski. Weak light performance and annual yields of pv modules and systems as a result of the basic parameter set of industrial solar cells//Materials 19th European Photovoltaic Solar Energy Conference, 7-11 June 2004, Paris, France. pp.2190-2193

қаршилиги R_{III} ва кетма-кет қаршилиқ $R_{К.К.}$ ларининг қийматлари баҳоланди ва мос равишда 28,96 Ом ва 0,2 Ом га тенг бўлди.




3-расм. Mono-FEM қуввати ва қуёш нурланиши интенсивлигининг вақт бўйича ўзгариши




4-расм. Қуёш энергиясининг турли қувватларида Mono-FEM ВАХ си

5-расмда поли-ФЭМ ва моно-ФЭМ лар қисқа туташув токи $I_{к.т.т.}$ нинг ҳароратга боғлиқлиги тасвирланган. Моно- ва поли-ФЭМ лар $I_{к.т.т.}$ Моно- ва поли-ФЭМ лар $I_{к.т.т.}$ нинг ҳароратга боғлиқлиги чизикли боғлиқликдан четлашгани кузатилди, бу эса ФЭМнинг нурланишдан қизиши ҳамда ундаги рекомбинацион йўқотишлар туфайли юзага келади. Қуёш нурланиши интенсивлиги ошиши билан қисқа туташув токи қуёш ортиб бориши, ва унинг юқори қийматларида салт юриш кучланишининг нисбатан кам пасайиши кузатилди. Ҳар иккала турдаги ФЭМ учун PR қийматлари 0.74-0.82 оралиғида бўлади, бунда ҳар икки турдаги ФЭМ ўртача ФИК $\sim 13,3\%$ ни ташкил қилади (6 расм).



5-расм. Поли-ФЭМ ва моно-ФЭМ лар $I_{к.т.т.}$ қийматининг ФЭМ ишчи ҳароратга боғлиқлиги



6-расм. Поли-ФЭМ ва моно-ФЭМ лар ФИК ва PRларининг вақт бўйича ўзгариши

Изланишлар натижасида куйидагилар аниқланди: -моно-ФЭМ учун максимал қувват нуқтаси $P_{ССШ}=200$ Вт, $T_{o.c}=36^{\circ}\text{C}$, $T_m=69.6^{\circ}\text{C}$, $G_t=940$ Вт/м² ва шамол тезлигининг қиймати 1 м/с бўлган шароитда куйидаги кўрсаткичларга эришилди: $NMOT=47.56^{\circ}\text{C}$, $P_{\text{макс}}=141.1$ Вт, $PR=0.75$, $\eta=13.34\%$, $FF=68.4\%$. - поли-ФЭМ учун максимал қувват нуқтаси $P_{ССШ}=88$ Вт, $T_{o.c}=36^{\circ}\text{C}$, $T_m=67.2^{\circ}\text{C}$, $G_t=940$ Вт/м² ва шамол тезлигининг қиймати 1 м/с бўлган шароитда куйидаги кўрсаткичларга эришилди: $NMOT=45.46^{\circ}\text{C}$, $P_{\text{макс}}=63.95$ Вт, $PR=0.75$, $\eta=13.31\%$, $FF=67.54\%$. Табиий шароитларда ўтказилган тажрибалар натижасида, йилнинг иссиқ мавсумида моно-ФЭМ ва поли-ФЭМ қувватининг камайиши аниқланди, бу қийматлар мос равишда 30% ва 28% ни ташкил этди.

Дисертациянинг “**Фотоэлектрик тизимларни электр тармоғига интеграциялашнинг асосий тамойилларини шакллантириш**” деб номланган тўртинчи боби, кичик, ўрта ва йирик қувватли ФЭС ларни ЎзРда ягона энергия тизими таркибидаги энергия объектларига интеграциялашда DigSilent Power Factory, PVSyst 6.48, SAM, Solarius PV каби дастрий мажмуалардан фойдаланган ҳолда моделлаштириш ва тармоққа интеграцияланган ФЭС ларнинг иш режимларини симуляциялаш бўйича тадқиқотларга, шунингдек, интеграция жараёнида юзага келиши мумкин бўлган техник муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни юмшатиш усулларига бағишланган.

Бугунги кунда, ҚТЭМ асосидаги, қуввати 50 кВт дан ошмайдиган, ўрнатилган электр станцияларининг кўпчилиги автоном (off-grid) хусусиятга эга. Маълумки, ФЭСни электр тармоғига интеграциялаш муаммолари Ўзбекистонда ҳали ривожланишнинг “бошланғич” босқичида. Мазкур босқичнинг якуний натижаси истеъмолчиларни кичик ва ўрта қувватли, қуёш энергияси асосидаги станцияларни электр тармоғига улаш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш бўлиб ҳисобланади. Электр тармоғига интеграцияланган ФЭС лар электр энергиясини ишлаб чиқариш объектларига кўйиладиган талабларга жавоб бериши зарур.

Биз ишлаб чиққан услубият асосида ҚЭХИ да ФЭСнинг актив қувват ишлаб чиқариш жараёнининг беқарорлигини ҳисобга олган ҳолда, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнларини моделлаштириш амалга оширилди (7-расм). ФЭС томонидан ишлаб чиқариладиган актив қувватнинг ортиши билан электр тармоғидан истеъмол қилинадиган энергия кундузги вақт оралиғида нол қийматга эришгунга қадар бир текисда камайиб бориши кузатилган. Бунда, иш кунлари ФЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси институт юкламаси учун тўлиқ сарфланиши ва дам олиш кунлари ФЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ортиқча қисми умумий электр тармоғига етказиб берилиши аниқланган.

Қувват,
МВт.

Юклама профили



7-расм. ҚЭХИ да 18.11.2018 йилда ФЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган электр энергияси графиги

1-жадвалда бир фазали микроинверторлар орқали электр тармоғига уланган ФЭС (2,24 кВт) ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ойма-ой келтирилган.

1-жадвал.

ФЭС нинг ойлик ва йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва уларни моделлаштириш натижалари билан таққослаш


Ойлар	ФЭС ишлаб чиқарган энергия (кВт·соат)	ЎҚФК, %	PVsystда моделлаштириш натижаси (кВт·соат)	ЎҚФК, %	Фарқ, (%)
Январь	185.95	11,2	172.9	10,3	7.54
Февраль	209.79	13,9	199.7	13,3	5.05
Март	243.04	14,6	251.6	15,1	-3.40
Апрель	253.44	15,7	304.8	18,9	-16.85
Май	374.07	22,4	368.9	22,1	1.40
Июнь	347.83	21,5	384.7	23,9	-9.58
Июль	374.83	22,5	401.0	24,1	-6.52
Август	396.87	23,8	395.1	23,7	0.44
Сентябрь	339.35	21	352,9	21,9	-3.84
Октябрь	230.16	13,8	271,5	16,3	-15.22
Ноябрь	180.72	11,2	185,2	11,5	-2.41
Декабрь	138.29	8,3	145,5	8,7	-4.95
Жами	3273,89		3434,9		-4.68

ФЭС нинг ҳақиқий йиллик электр энергия ишлаб чиқариши 2018 йилда 3273,89 кВт/соатни ташкил этди ва PVsyst томонидан моделлаштириш натижасида қилинган башорат 3434,9 кВт/соатни ташкил этади, бунда -4,68% кичик қийматли четлашиш кузатилган. Апрель, июнь ва август ойлари учун ҳақиқий ўлчанган ва башорат қилинган қийматлар орасидаги фарқ бошқа ойларга нисбатан юқори. Сабабларини таҳлил қилиш натижасида бир ой давомида ишлаб чиқарилган энергия миқдорига институтнинг паст кучланишли маҳаллий тармоғидаги муаммолар ва булутлилик таъсири эканлиги аниқланди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 2,24 кВт қувватга эга бўлган ФЭС нинг ўртача йиллик ўрнатилган қувватдан фойдаланиш коэффициенти (ЎҚФК) 16,6% ни ташкил этди (8-расм). Август ва декабр

ойларида электр тармоғига интеграцияланган ФЭС ЎҚФК нинг ўртача ойлик кўрсаткичлари мос равишда 23,8% ва 8,3% ни ташкил этди. ФЭС ЎҚФК нинг ўртача ойлик кўрсаткичининг декабрь ойидаги ФЭС ЎҚФК нинг ўртача йиллик кўрсаткичларидан максимал четлашиши 200% га тенг бўлди. Шу боис, электр тармоғига интеграцияланган йирик ФЭС ларни лойиҳалаштириш ва куришда, шунингдек, ФЭСнинг ишлаб чиқариш қуввати, ФИК, ва PR билан бирга ФЭСнинг ЎҚФКни ҳам ҳисобга олиш зарур.



8-расм. ФЭС PR ва ЎҚФКнинг вақтга боғлиқлиги



9-расм. ФЭС PR ва ФИКнинг вақтга боғлиқлиги

Тадқиқотлар натижасида, электр энергиясининг ишлаб чиқарилиши нафақат иқлим таъсирларига, балки энергия тизими билан ўзаро боғлиқ тармоқдаги электр энергиясининг сифатига (узилишлар, паст кучланиш ва ҳ.) боғлиқлиги аниқланди. 2018 йил августида қулай об-ҳаво шароитида, ФЭС томонидан максимал энергия ишлаб чиқариш қиймати 2,2 кВт*соат бўлди, бу эса PR = 95,3% га тўғри келди. Шу билан бирга, ФЭС PRнинг ўртача йиллик қиймати 79,7% ни ташкил этди. PVsyst томонидан башоратланган йўқотиш кўрсаткичлари таҳлили ФЭС нинг ҳарорат эффекти (-8.5%) ва инвертор ўчиб-ёнганда юзага келадиган йўқотишлар (-5.7%) эканлигини кўрсатди.

2-жадвалда электр тармоғига уч-фазали инвертор орқали интеграцияланган, ўрнатилган қувват қиймати 9 кВт бўлган саноат миқёсидаги ФЭСни эксплуатация қилиш кўрсаткичлари келтирилган (9 расм). Табиий иқлим шароитларида куннинг турли ёритилганлик даражаларига мос ораликлари учун: ФЭС максимал чиқиш қуввати 11:30 дан 12:00 гача бўлган ораликда кузатилди (7560 Вт), бунда қуёш нурланиши интенсивлиги энг катта қийматга эришди – 1000 Вт/м², ФЭМ орқа томонининг ҳарорати эса 59,7°C бўлди (2-жадвал). 9-расмдан кўринадик, ФЭС нинг қуёш нурланишини электр энергиясига айлантириш ўртача самарадорлиги 14,4% ни ташкил этади, ўртача PR = 84% ва бу Тошкент шаҳри учун жуда яхши кўрсаткичдир. Чиқиш токи, кучланиши ва қувватининг ҳароратга қараб ўзгариши ҳисоблаб чиқилди, уларнинг ҳарорат коэффицентлари α , β ва γ , мос равишда + 0,04%/°C, - 0,32%/°C, ва -0,47%/°C га тенг бўлди. Қуёш нурланиши тадқиқ қилинаётган

фотоэлектрик қурилманинг самарадорлигига чизиқли пропорционал таъсир кўрсатади, модулнинг юқори иш ҳарорати унинг чиқиш қувватини $0,47\%/^{\circ}\text{C}$ га пасайтиради ва ўлчанадиган кучланиш пасайишига ($-0,32\%/^{\circ}\text{C}$) ҳамда ток қийматининг сезилмас даражада ортишига ($+0,04\%/^{\circ}\text{C}$) олиб келади.

2-жадвал.

Тажриба давомида ФЭСнинг чиқиш кўрсаткичлари

Вакт (соат)	G_b ($\text{Вт}/\text{м}^2$)	ФЭМ орқа томон ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$)	ФЭМ сирт ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$)	$P_{\text{макс}}$ (Вт)	$I_{\text{к.з.}}$ (А)	$U_{\text{макс}}$ (В)	$U_{\text{х.х.}}$ (В)	FF (%)	PR (%)	η (%)
11:30	1000	59,7	57,6	7560	17,8	462,1	599,3	0,7	0,84	14,38
12:00	1000	57,4	57,3	7554	17,7	463	600,5	0,77	0,84	14,37

Мазкур ишда Наманган вилояти Поп туманида тармоққа уланган 130 кВт қувватли синов ФЭС нинг чиқиш кўрсаткичлари ўрганиш натижалари келтирилган. ФЭСнинг 2017-2018 йиллар мобайнида ўлчанган чиқиш кўрсаткичлари PVSyst и Solarius PV дастурий мажмуаларида моделлаштирилган натижалар билан таққосланди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

Назорат қийматларига эга бўлган ўлчов натижаларини ФЭС иш режимини моделлаштириш натижалари билан таққослаш

Ойлар	Ўлчанган қийматлар (Т: 30° , А: -25°) (МВт·соат)	Назорат қийматлари (Т: 30° , А: -25°) (МВт·соат)	Фарқ (%)	Моделлаш тириш натижаси (Т: 30° , А: -25°) (МВт·ч)	Фарқ (%)
Январь	1.895	9.003	-78.9	9.328	-80.0
Февраль	8.752	10.590	-17.3	10.090	-13.2
Март	12.082	15.007	-19.4	11.693	+3.3
Апрель	16.216	16.859	-3.8	15.117	+7.2
Май	17.081	18.415	-7.2	19.154	-10.8
Июнь	17.942	18.835	-4.7	20.707	-13.3
Июль	20.222	20.127	+0.4	22.182	-8.8
Август	17.651	20.080	-12.0	21.372	-17.4
Сентябрь	16.233	18.344	-11.5	18.945	-14.3
Октябрь	10.882	15.559	-30.0	14.707	-26.0
Ноябрь	5.723	11.453	-50.0	9.811	-41.6
Декабрь	2.177	7.364	-70.4	7.181	-69.6
Жами	146.856	181.636	-19.1	180.292	-18.5

Ўрта қувватли ФЭС иш режимини моделлаштиришда ўлчашлар натижаларидан 8-10%га четлашиш мақбул ҳисобланади. 3-жадвалдан кўришиб турибдики, 2018 йил январ ойида ФЭС ишлаб чиқарган электр энергиясининг ўлчанган қийматлари PVSyst и Solarius PV моделлаштириш натижаларидан мос равишда 78,9% ва 80% билан фарқ қилади. Бу мазкур ФЭС уланган тармоқда электр тармоқ ҳолати билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини билдиради. Август ойидан март ойига қадар ўлчанган ФЭСнинг ишлаб

чиқариш кўрсаткичларининг башоратланган кўрсаткичларга нисбатан четлашиши кескин фарқ қилади (10%), бу эса афтидан, электр тармоғидаги муайян муаммолар билан боғлиқ (3-жадвал). Шу сабаб ўрганилаётган ФЭС уланган электр тармоғини модернизация қилиш зарур. Шундай қилиб, асосий станцияларнинг етарлича даражада иш қобилиятининг йўқотилиши (45-65%), захира қувватларнинг етишмаслиги ва қўшни энергия тизимларидан мувозанатлаштирувчи қувватни қабул қилишнинг чекланган чегараси мавжудлиги электр тармоғига интеграцияланган ФЭСлардан фойдаланишни ривожлантириш йўлида муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Дунё амалиётида кўра, ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мавжуд энергия тизимига янги ҚТЭМ қувватларининг электр тармоққа улаганда тизимнинг мослашувчанлик даражаси йиллик улуш 25% гача ҚТЭМ ни ташкил этса муаммоларсиз интеграциялаш имконини беради: биринчидан, бошқарилмайдиган маҳаллий ФЭС ларни улашга йўл қўйилмайди, иккинчидан, зарур ҳолларда ФЭС кучланишни бир маромда тутиб туради ва тармоқни стабил ушлаб туради, учинчидан, ФЭС лар ишлаб чиқариш қувватини уларни бошқа станциялар билан мужассам ҳолатда ишлаши ва ортиқча кучланишни тармоққа чиқиб кетмаслигини назорат қилиш мақсадида башоратланади. Бунда, йирик ҚТЭМ объектларини Ўзбекистон энергия тизимга хавфсиз улаш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

мос қиймтали қувватлар учун энергия сақлаш тизимларини қуриш (Wood Mackenzie башоратларга кўра, 2030 йилда дунёда электр энергияси сақлаш тизимларининг ўрнатилган қувватининг йиғинди қиймати 741 ГВт*соатни ташкил қилади¹¹);

тизимга юқори тезликда ишлайдиган технологиялар, бошқариладиган ўзгарувчан электр энергиясини узатиш тизимлари (FACTS) технологиясининг қурилмалари, синхрон компенсатор (SSSC), тиристорли бошқариладиган кондансатор (TCSC), статик компенсатор (СТАТКОМ) ни улаш¹²;

ФЭСни лойиҳалаш жараёнида тармоқ филтрларини ўрнатиш (юқори гармоникаларни сўндириш учун);

ФЭС ва шамол электр станцияларини ишлатишга топширилишини инобатга олган ҳолда, мамлакат энергия тизимида ортиқча кучланиш юзага келишини ҳисобга олиб, янги электр узатиш линияларини қуриш ва мавжудларини модернизациялаш.


“Ўзбекистон Республикасини 2020-2030 йилларда электр энергияси билан таъминлаш Концепцияси”га кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2030 йилга қадар 5000 МВт қувватли ФЭС ва 3000 МВт қувватли шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилмоқда. 2021 йил охирига

¹¹ Wood Mackenzie. (2020). Global energy storage outlook:H1 2020. <https://www.woodmac.com/reports/power-markets-global-energy-storage-outlook-h1-2020-398563>.

¹² Хамидов Ш.В. Исследование интеллектуализации электроэнергетики Узбекистана. Автореф. дисс. д-ра тех.наук. – Ташкент, 2019, -32 с. <http://library.ziyounet.uz/ru/book/download/107674>

кадар Ўзбекистонда ҳар бири 100 МВт қувватга эга иккита ФЭСни ишга тушириш режалаштирилган. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, 2020 йилга қадар 382,5 МВт, 2021 йилда 601,9 МВт, 2025 йилда 1,24 ГВт қувватни ўрнатиш режалаштирилган¹³. Ҳозирда Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳар бири 100 МВт қувватга эга иккита электр станциясини қуриш бўйича бирламчи тендер ўтказилган. Сувли ва Иштихон подстанциялари энергия тизимига уланиш тугунлари сифатида қаралади. Мазкур ҳудуд халқаро экспертлар томонидан катта қувватли ҚТЭМ объектларини ўрнатиш учун мақбул деб топилган.

Digsilent PF дастурий таъминоти ёрдамида Ўзбекистон энергия тизимнинг Шимолий-ғарбий қисмида максимал ўрнатилиши мумкин бўлган қувватларни аниқлаш мақсадида ҳисоблашлар амалга оширилди (100 МВт дан 1200 МВт гача). 10-расмда, мисол тариқасида, 800 МВт қувватли ФЭСнинг ишлаб чиқаришини ҳисобга олган ҳолда тармоқ чизмаси ва унинг иш режими ҳисоблари келтирилган.



10-расм. Ҳисоблашларда ишлатиладиган тармоқ қисмининг схемаси

